



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,
тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88
факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:
samiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Мургазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	79
Mohira Asqarboy qizi Umurova Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari	83
Ислом Исмоилович Эргашев Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари	86
Jahongir Aktamovich Haydarov Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели	97
Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	102
Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva Samarqand shahri turizm infratuzilmagini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni	105
Shohista Bobobekovna Toyirova Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim	109
Дилшод Мураткулович Абдураимов Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари	113
Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари	118
Дониёр Журакулович Абдуразаков Қишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили	122
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash	126
Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари	131
Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш	135
Сирожиддин Шерали ўғли Халилов Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари	140
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиков Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари	145
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari	149

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Муртазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Гулнора Мардиевна Шадиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Шухрат Облокулович Кувандиков – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ФУНКЦИЯЛАРИ

Аннотация: мақолада оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, уни миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва функциялари тадқиқ этилган. Иқтисодиётда оиланинг жамиятда тутган ўрни, оиланинг иқтисодий вазифалари, оиланинг инсон капиталлини қарор топтириш каби вазифалари очиб берилган. Шунингдек, оила ва тадбиркорликни функциялари интеграциялашувининг синергетик самараси масалалари ёритилган. Шу асосда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш назарияларини такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, оилавий тадбиркорлик, синергетика, самара, касаначилик, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари, синергетик ёндошув тамойиллари, оиланинг ижтимоий йўналтирилган функциялари, синергетик эффект, инсон капиталли, ресурсларни етказиб бериш

Кириш. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган ташаббусларнинг сифатини, олиб бориладиган ислохотлар натижадорлигини тубдан ошириш, амалга ошириладиган тадқиқотларни ислохотларнинг устувор йўналишларини рўёбга чиқаришга йўналтириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ 60-сон Фармонининг қабул қилиниши иқтисодиётни илмий-технологик жиҳатдан ривожлантиришга меъриий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг оила хўжалиги фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этишда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев эътироф этганларидек, “...ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш – бутун Макроиқтисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик қоидага айланиши керак”¹. Оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётдаги ўзгаришларга тез мослашувчан соҳа сифатида ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда 2022 йилда фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 9 711² тани ташкил этиб, жами Худудлар кесимида Самарқанд вилояти – 1864, Қашқадарё вилояти – 1591, Хоразм вилояти – 1289, Фарғона вилояти – 1055, Сурхондарё вилояти – 718, Тошкент вилояти – 652, Жиззах вилояти – 606, Навоий вилояти – 427, Тошкент шаҳри – 374, Бухоро вилояти – 350, Қорақалпоғистон Республикаси – 269, Наманган вилояти – 256, Андижон вилояти – 212 ва Сирдарё вилоятида – 48 тани ташкил этган³.

Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорлик нисбатан кичик хўжалик бўлиши билан ушбу фаолият турида миллий даромад ва бандликнинг анчагина қисми яратилмоқда. Шу боис мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, унинг ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу эса

¹ “Халқ сўзи” газетаси 2022 йил 20 март. 30-сон 3 бет.

² <https://daryo.uz/k/2022/10/12/ozbekistonda-9-oy-da-qariyb-10-mingta-oilaviy-korxonatashkil-etildi/>

³ <https://daryo.uz/k/2022/10/12/ozbekistonda-9-oy-da-qariyb-10-mingta-oilaviy-korxonatashkil-etildi/>

оилавий тадбиркорликни ҳар жихатдан тадқиқ қилиш ва бу борадаги хорижий тажрибаларни ўрганиш айтилиши зарурат эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда назарий таҳлил, жадвал, мантиқий фикрлаш ва мушоҳада усуллар кенг қўлланилган. Шунингдек, мазкур мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилиниб, уларнинг илмий қарашлари чуқур ўрганилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Тадбиркорлик, оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва уни ривожлантиришнинг амалий ва назарий масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. А.Смит (1723-1790) ўзининг «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» (1776й.) номли китобида оилавий тадбиркорликнинг шаклланишида уй хўжалиқларининг ишлаб чиқариш фаолиятини тадқиқ этиш муҳим услубий аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни билдирган: оилавий тадбиркорлик - уй хўжалиги тараққиётининг илк шаклланиш ва ривожланиш босқичини ифода этиб, унга бўлган назарий қарашларни шакллантириш учун муҳим методологик функцияни ўтайди. Бундай ёндошувлар заминда уй хўжалиги - хўжалик юритишнинг асосий ва илғор шакли сифатида унинг ишлаб чиқариш қобилияти ва функциялари ҳамда иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни тадқиқот объекти сифатида қаралади [1]. Бархатова Н.Мнинг фикрича, оилавий тадбиркорлик: “Оила бошлиғи томонидан ташкил этилган ва унда оила аъзолари турли лавозимларда ишлайдиган бизнес тури”дир [2].

Волков Д.А. эса оилавий тадбиркорликка қуйидагича таъриф беради: муваффақият мезони молиявий кўрсаткичлардан иборат бўлмаган, оила томонидан "бир одам бошқаруви"ни назарда тутадиган компания ривожланишининг маълум бир босқичидир. [3]. Оилавий тадбиркорлик хусусида ҳам, иқтисодий адабиётларда айрим фикрлар айтилмоқда. Умуман олганда, оила аъзолари даромад (фойда) олиш мақсадида ўзларининг мулкига асосланиб, бирорта фаолият билан шуғулланса, бу оила тадбиркорлигига киради. Бу борада айрим олимларимиз томонидан ҳам тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.Қ.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар оила тадбиркорлигига “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари ишгирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади” деган таърифни берган. Ушбу таъриф оилавий тадбиркорликнинг мазмунини очиқ беради. [4]. Бизнинг фикримизча, оилавий тадбиркорлик деганда умумий оила аъзоларининг биргаликдаги ҳаракати, яъни оилавий капиталга таяниб, ўзаро бир бирига ёрдами ва ўзини-фаолиятига асосланиб бошқариш тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Бундай ёндошув натижасида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқариш тизимини “ўзини-ўзи ташкиллаштириш” ва “ўзини-ўзи бошқариш” тамойиллари асосида такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар. Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти шундаки, оилавий тадбиркорликнинг функциялари ва жамиятдаги ўрни билан боғлиқ. Бундай қарашлар асосида оила тадбиркорлигининг бу борадаги назарияларни қуйидаги ёндошувлар бўйича таснифлаш мумкин:

- жамиятда оиланинг туган ўрни; [7]
- оиланинг иқтисодий вазибалари; [8]
- инсон капиталини қарор топтиришдаги оиланинг вазибалари. [9].

Бундай қарашлар моҳиятига кўра, жамиятга катта иқтисодий даромад келтириши, инсон капиталининг нақадар давлат ва жамият учун кераклигини, давлатнинг айрим вазибаларини оила сезиларли даражада ўз зиммасига олиши ва бу давлат манфаатларига мос келиши таъкидланган.

Шундай экан, оила тадбиркорлик ва кичик бизнес вазибаларининг давлат функциялари билан бирлашуви шунингдек, синергетика қонунига асосланганлигини кўриш мумкин. Синергетик эффект қонунининг моҳиятига кўра, яхлитлик ўз қисмлари йиғиндисидан катта ($1+1=3$; $2+2=5$). Бошқача айтганда, тизим элементларининг алоҳида фаолияти натижасидан уларнинг биргаликда, ҳамжихатликда ишлаши самараси юқори бўлади. Бу

жараёнда яхлит тизимнинг алоҳида қисмлари ҳам аҳамиятга эга. Сабаби, оилавий тадбиркорлик ўз мулкидан самарали фойдаланиши орқали амалга оширилади. Шу аснода тадбиркорлик фаолияти оила ва унинг капитал-мулки билан органик равишда боғлиқ.

Оила ва тадбиркорлик функцияларининг интеграциялашуви жамият миқёсидаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратиб, синергетик самарасини беради (1-жадвалга қаранг).

1 – жадвал

Оила ва тадбиркорлик функциялари интеграциялашувининг синергетик самараси

Оила функциялари	Тадбиркорлик функциялари	Синергетик самара
- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш; - Ресурсларни етказиб бериш; - Инсон капитали (комил тарбиялаш; - Истеъмол; - ишлаб чиқариш; - Жамғарма; - Инвестицион; - Тадбиркорлик фаолияти; - Давлат билан ички иқтисодий алоқалар ва б.	- иқтисодий ўсишнинг омили сифатида иштирок этади; - ижтимоий барқарорликни таъминлашда ўз имкониятлари доирасида иштирок этади; - Мулкдорлар ва тадбиркорлар синфини шакллантириш; - ижтимоий-меҳнат муносабатларини оилавий кадриятлар асосида тартибга солиш; - оила хўжалиги ресурсларини ишлаб чиқариш мақсадларида бирлаштиради; - даромадларни ошириш мақсадида оила аъзоларининг тадбиркорлик қобилиятларидан фойдаланади; - тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда оила аъзоларининг ижодкорлик ва янги ғояларини қўллайди ва б.	- ЯИМ шаклланишида иштирок этади; - иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатларини таъминлайди; - хотин-қизлар, уй бекалари ва имкониятлари чекланган аҳоли тоифаси учун эгилувчан иш жадвалли қулай иш ўринларини яратади; - оиланинг ижтимоий ҳимояси таъминлайди; - оиланинг маиший шарт шaroитларини яхшилади; - аҳолининг истеъмол талабларини қондиради; - аҳолини тадбиркорлик фаоллигини оширади; - камбағаллик муаммосини ҳал этади; - оиланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини оширади ва турли хил низоларни ҳал этади ва б.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Оилада тадбиркорликни ташкил этиш асосан ижтимоий йўналтирилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида амалга оширилади. Бугунги кунда барча соҳаларда жумладан, тадбиркорлик фаолияти учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, уларда тадбиркорликка оид билимларини шакллантириш ва тарбиялаш айнан шу тариха амалга ошади.. Бошқача айтганда оилавий тадбиркорлик оилада белгиланган вазифаларининг энг керакли, структуравий ва бўлинмас қисмидир. Шунинг учун оила фаровонлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бу оилавий тадбиркорлик бўлиб ҳисобланади. Юқори келтирилган фикрларга асосланиб, оиланинг вазифалари ўртасидаги ўзаро ттаъсир, уларнинг бир-бирини тўлдириши ва бир-бирига амал қилиши, узлуксизлиги ҳамда “тадбиркорлик – фаровонлик – оила вазифалари” боғлиқликдаги назарий моделда акс эттириш мумкин. Бу ҳолат, оила вазифаларининг асосий мақсади оилада тадбиркорликни амалга ошириш орқали фаровонликка эришишдир. Булардан келиб чиқиб, оила вазифалари тизимига оила аъзоларига муносиб фаровонлигини таъминлаб берувчи факторлар сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳар бир оилададан битта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оила аъзоси бўлиши энг муҳим функциясига айланиши лозим. Бунинг асосий сабаби, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оила, бир қанча муаммоларни ҳал этишга имкон топади, булар:

- оиланинг ижтимоий ҳимояси ва маиший шарт шaroитларини таъминлаш;
- оиланинг истеъмол талабларини қондириш ва янги имкониятларни излаш;
- иқтисодий вазифаларидан амалда тўлиқ фойдаланиш орқали оиланинг ривожланиш учун янги имкониятларни яратиш;

• оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликдан холи бўлиш.

Бундай имкониятларга эришиш эса ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш билан ўз ечимини топади. Шу боис, мамлакатимизда ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан амалга оширилаётган “Ҳар бир оила – тадбиркор” Дастурида айтилган шу мақсадлар кўзда тутилган.

Мамлакатимизда оила хўжаликларининг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, улар фаолиятининг ҳисобини юритиш ҳамда ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2012 йил 26 апрел) қабул қилинди. Шу асосда мамлакатимизда хўжалик юритишнинг оилавий тадбиркорлик шакли йўлга қўйилди ва уларнинг иқтисодийдаги роли ҳуқуқий жиҳатдан асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида. 2020 йил 1 май, ПҚ-4702 – сон.
3. Пардаев М.Қ., Курбонов З.Н Оила бизнеси ва тадбиркорлиги: ўқув қўлланма – Самарқанд, СамДУ, 1999. – 45 б.
4. Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, № 2 (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>).
5. Қувондиқов Ш.О. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Самарқанд, СамИСИ, 2008. – 24 б.
6. Игебаева Ф. А. Семья как базовый агент социализации личности //Иновационная наука. – 2016. – №. 1-3 (13).; Игебаева Ф.А. Семья в трансформирующемся российском обществе (на примере Башкортостана) //Социологические исследования. – 2014.- №.9.- С.73-76.;
7. Никольская Г. Семья в условиях постиндустриального общества (на примере США) //Мировая экономика и международные отношения. – 2006. - №.8. – С. 71-81.
8. Рябова В.В. Трансформация функций семья в современном российском обществе // Проблемы социально-экономического развития Сибири. – 2014. - № 3. – с. 106-112.;
9. Степанов А.Б. Организация семейного бизнеса: психологические и социологические факторы // Молодой ученый. – 2018. - № 3. – с. 159-162.— URL <https://moluch.ru/archive/189/47945/> (дата обращения: 23.01.2020);

<p style="text-align: center;">Г.Шадиева, Ш.Кувандиков</p> <p style="text-align: center;">Особые функции семейного бизнеса в национальной экономике</p> <p>Аннотация: В статье рассматривается развитие семейного бизнеса, его значение и функции в народном хозяйстве. В ней раскрывается роль семьи в обществе, экономические задачи семьи, экономические задачи семьи, такие как определение человеческого капитала. Также освещаются вопросы синергетического эффекта интеграции семейных и бизнес-функций. На этой основе предлагаются направления совершенствования теорий развития семейного бизнеса.</p> <p>Ключевые слова: национальная экономика, семейное предпринимательство, синергетика, эффективность, домашнее хозяйство, этапы развития семейного предпринимательства, принципы синергетического подхода, социально ориентированные функции семьи, синергетический эффект, человеческий капитал, ресурсообеспечение.</p>	<p style="text-align: center;">G.Shadieva, Sh.Kuvandikov</p> <p style="text-align: center;">Specific functions of family business in the national economy</p> <p>Abstract: The article discusses the development of family business, its importance and functions in the national economy. In economics, the role of the family in society, the economic tasks of the family, the tasks of the family, such as the definition of human capital, are revealed. It also highlights the synergistic effect of the integration of family and business functions. On this basis, directions for improving theories of family business development are proposed.</p> <p>Keywords: national economy, family entrepreneurship, synergetics, efficiency, homemaking, stages of development of family entrepreneurship, principles of the synergistic approach, socially oriented functions of the family, synergistic effect, human capital, supply of resources.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023